



ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЙ И РАЗВИТИЯ THE JOURNAL OF RESEARCH AND DEVELOPMENT TADQIQOT VA TARAQQIYOT JURNALI

ISSN: 3030-3281. Volume IV, Issue-3, (Aprel) 2025
Journal homepage: <https://imfaktor.com/index.php/tjrd>

ИЛҲОМОВ Санжарбек Алишер ўғли
*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
Лойиҳа бошқаруви мутахассислиги
тингловчиси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ 2023-2024 ЙИЛЛАРДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ ВА СОҲА РИВОЖИ ЙЎЛИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

АННОТАЦИЯ

Сўнгги йилларда соҳани барқарорлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган кўплаб чора-тадбирлар, таркибий ислохотлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Ўтган йил давомида, жиддий муаммоларга қарамай, бизнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги тизимларимиз мустаҳкам ва барқарор бўлиб қолмоқда.

Бу эса шаклланган сектор тажрибаси ҳамда таъминот занжири тузилмаларининг ишончилигидан далолат беради. Пировардида, истеъмолчиларимиз учун кенг турдаги юқори сифатли, арзон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларидан мунтазам фойдаланиш имконияти яратилмоқда. Мақолада Ўзбекистон Республикасида 2023-2024 йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишлаб чиқариш кўрсаткичлари тармоқлар, ҳудудлар ва молиялаштириш манбалари кесимида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ҳавфсизлиги, ўрмон ва балиқчилик, молиялаштириш.

АННОТАЦИЯ

В последние годы многие меры, принятые для обеспечения стабильности отрасли, структурные реформы дают свои положительные результаты. За прошедший год, несмотря на серьезные проблемы, наши продовольственная и сельскохозяйственная системы оставались надежными и стабильными. Об этом свидетельствует опыт сформировавшегося сектора, а также надежность структур цепочки поставок.

В конечном счете, для наших клиентов создается возможность регулярного использования широкого ассортимента высококачественных и доступных по цене сельскохозяйственных и пищевых продуктов. Производственные показатели в сфере сельского хозяйства в Республике Узбекистан в 2023-2024 годах представлены в статье по сетям, регионам и проанализированы в разрезе источников финансирования.

Ключевые слова: аграрный сектор, сельское хозяйство, продовольственная безопасность, лесное хозяйство и рыболовство, финансирование.

ANNOTATION

In recent years, many measures taken to ensure the stability of the industry and structural reforms have yielded positive results. Over the past year, despite serious problems, our food and agricultural systems have remained reliable and stable. This is evidenced by the experience of the established sector, as well as the reliability of supply chain structures.

Ultimately, our customers are able to regularly use a wide range of high-quality and affordable agricultural and food products. Production indicators in the field of agriculture in the Republic of Uzbekistan in 2023-2024 are presented in the article by networks, regions and analyzed in terms of sources of financing.

Keywords: agricultural sector, agriculture, food security, forestry and fisheries, financing.

Кириш

Сўнгги йилларда мазкур соҳа тубдан ислоҳ қилиш бўйича тизимли тадбирларни амалга оширилди ва бугунги кунда илгари кузатилмаган юқори натижалар қўлга киритилмоқда. Ҳозир замон талабларидан келиб чиқиб, бозор тамойиллари ҳамда ноқулаб об-ҳаво шароитида инновация ва илғор ишланмаларни, интенсив ва ресурс тежовчи технологияларни, энг асосийси ҳар бир ишга илм асосида ёндашиш замон талабига айланмоқда.

Чекланган сув ресурслари ҳамда ноқулай табиий-иқлим шароитлари замонавий инновациялар ва маҳсулот етиштириш жараёнининг ўзаро ҳамоханглигини талаб этмоқда.

Ўз навбатида, омилкор деҳқонларимиз замонавий билимларни ўрганиш баробарида, кўп йиллик бой тажрибани қўллаш орқали маҳоратини ошириб, алоҳида азму шижоат кўрсатишмоқда.

Йил бошидаги аномал совуқ, баҳордаги жала ва ёғингарчиликлар, ёз чилласининг ўта иссиқ келиши ва сувнинг ҳар йилгидан сезиларли даражада камлиги соҳа меҳнаткашларини яна бир бор синовдан ўтказди.

Мазкур қийинчиликларга қарамасдан қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида мўл ҳосил етиштирилганлиги ҳамда ўткан даврга қараганда ўсиш кўрсаткичларига еришилганлиги соҳа ривожига қаратилган эътибор ва яратиб берилган муносиб меҳнат шароитларидан дарак беради.

Шу кунгача мамлакатимиз географик жойлашуви денгизга чиқишга имконият бермаслигини муаммо сифатида қараган бўлсак, қишлоқ хўжалиги нуқтайи назаридан эса бу катта имкониятдир. Дунёда содир бўлаётган глобал иқлим ўзгаришлари, табиий офатлар таъсири, авваламбор, денгизга яқин жойлашган мамлакатларда сув тошиқини, тупроқ унумдор қатламнинг ювилишига, шўрланиш даражаси ортиб, деградация жараёнларини кескинлашуви ва тарқибини бузилишига олиб келмоқда. Мамлакатимиз Осиё материги марказида эканлиги, бу каби муаммоларни қишлоқ хўжалигига таъсирини камайтиради. Бироқ, сув танқислиги, қурғоқчилик, чўлланиш ва шўрланиш ҳолатлари бизларни ҳам четлаб ўтмаган.

Бугунги кунда бутунжаҳон мутахассислари томонидан амалга оширилган тадқиқот натижаларига кўра, коронавирус пандемияси сабабли агросаноат мажмуасини инвестициялаш жараёнида узилишлар юзага келди. Оқибатда, иқтисодий нотурғунлик шароитида дунёда тўйиб овқатланмайдиган инсонлар сони 46 млн.га етди [1].

Прогноз натижаларига кўра, кейинги йилларда иқтисодий инқирознинг давом этиши агросаноат мажмуи маҳсулотлари импорт қилувчи мамлакатларда очарчилик муаммосининг юзага келиши ва тўйиб овқатланмайдиган аҳоли сонининг 840 млн.га этиши хавфи мавжуд [2].

2024-2016 йилларда Ўзбекистондаги тўйиб овқатланмайдиган аҳоли улуши тахминан 6,3% ёки 1,9 млн.ни ташкил этиши бўйича маълумотлар мавжуд [3].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Тадқиқот мавзусининг долзарблигидан келиб чиққан ҳолда хорижий давлатлар ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан инвестицияларни жалб этиш масалаларига доир олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор илмий асарлар, рисоалар ва мақолалар эълон қилинган.

Инвестиция муҳити ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий омилларнинг таъсирида ривожланар экан, уни ўрганиш, мазмун-моҳиятини очиб бериш мамлакат инвестиция муҳитининг умумий ҳолатини аниқлашда, сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлашда, маҳаллий ва хорижий инвенторларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашда, ишлаб чиқаришни модернизациялашда, рақобат муҳитини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Ў.Умурзоқовнинг фикларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш воситаларига сарфланадиган барча маблағлар инвестициялар деб аталади. Улар қишлоқ хўжалигининг моддий-техник базасини яратиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш, кимёлаштириш, электрлаштириш, ирригация-мелиорация натижасида сарф-харажатларни камайтириб, ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш орқали даромадни оширишга хизмат қилади [4].

А.Абдуғаниевнинг қарашларига кўра, Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасини ривожлантиришда инвестицияларнинг жалб этилиши объектив зарурият ҳисобланади. Чунки тармоқни устувор тарзда ривожлантириш учун унинг моддий-техник базаси ва техник ва технологик қуролланганлигини мустақкам барпо этиш зарур. Бунинг учун уни замонавий бино-иншоотлар, барча турдаги зарур, самарали техникалар, қишлоқ хўжалиги механизмлари ички ирригация ва мелиорация иншоотлари инновацион технология ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш лозим [5].

Қишлоқ хўжалигида инвестицияларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти иқтисодчи олим Н.Нурматовнинг илмий ишларида тадқиқ этилган. Унга кўра, биринчидан, инвестициялар жами харажатларнинг асосий қисми ҳисобланади. Инвестициялардаги ўзгаришлар жами талабга етарлича таъсир кўрсатади, шунингдек аҳолининг бандлигини ва ялпи миллий даромад ҳажмининг ҳам ўзгаришини таъминлайди.

Иккинчидан, инвестициялар корхонанинг асосий фондлари жамғарилишига, яъни кўпайишига олиб келади. Бунда ишлаб чиқариш кучларини кенгайтиришга сарф қилинган пул маблағлари, бошланғич босқичда корхона фаолияти натижаларига таъсир этмаслиги мумкин, лекин келажакда иқтисодий ўсиш учун зарур базани яратади.

Учинчидан, инвестицияларнинг нораціонал сарф қилиниши ишлаб чиқариш ресурслари, харажатлар ўсишига олиб келади, натижада ялпи миллий даромад қисқаради. Мисол учун, тугалланмаган қурилишнинг кўпайиши, моддий ресурслар сарфи ошиши, тўланадиган иш ҳақининг кўпайиши ҳамда ишлаб чиқаришнинг қисқариши шулар жумласидандир. Улар сарфланаётган инвестициялар қийматининг ўсишига ва самарадорлиги пасайишига таъсир этади [6].

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолада аграр соҳадаги лойиҳаларни амалга оширишда инвестицияларни жалб этилиши тизимли таҳлил, статистик маълумотларни гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, анализ ва бошқа таҳлил усуллари билан фойдаланилди.

Таҳлиллар ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурида, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсиш суръатларини камида 5 фоизга етказиш белгиланган.

Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг чуқур ўйланган стратегияси изчил амалга оширилмоқда. Давлатимиз иқтисодий ва ижтимоий ислохотларининг муҳим таркибий қисмларидан бири мева-сабзавот етиштиришга қаратилган.

Бундай ёндашув аҳоли эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаш, уларнинг саломатлигини сақлаш ва бандлик шарт-шароитларини яратишда асосий йўналишлардан бирига айланди. Хусусан, 2024 йилда соҳада 9117 та янги корхоналар (9099 таси кичик корхоналар) ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 30952 тага етказилди. Янги ташкил этилган корхоналарнинг 7121 таси маъсулияти чекланган жамиятлар, 847 таси хусусий корхоналар ва 1008 таси оилавий корхоналар.

Худудлар бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларнинг энг кўп қисми Қашқадарё (12,8 фоиз), Тошкент (11,5 фоиз) ва Бухоро (9,2 фоиз) вилоятларида фаолият кўрсатмоқда.


Жумладан, 95 та қишлоқ хўжалигида, 88 та озиқ-овқат саноатида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилган. Қишлоқ хўжалигидаги хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг умумий сони 379 тага (176 та кўшма корхоналар, 203 та хорижий корхоналар), озиқ-овқат саноатида 443 тага етди.

Бундан ташқари бугунги кунда 91752 минг та (шундан 409 таси янги ташкил этилган) фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришда, улардан 3108 таси балиқчиликда фаолият юритмоқда. Фермер хўжаликларининг салмоқли қисми Қашқадарё (14,3 фоиз), Самарқанд (12,2 фоиз) ва Фарғона (11,6 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

Жами инвестициялар таркибида қишлоқ хўжалигига ўзлаштирилгани 6,6 фоизни, шундан хорижий инвестиция ва кредитлар улуши 6,1 фоизни ташкил этди. 2024 йилга мўлжалланган Давлат инвестиция дастури доирасида жами 12 та лойиҳаларда 327,4 млн доллар инвестициялар ўзлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг маълумотларига кўра, бугунги кунда мамлакатимизнинг иқтисодиётида агросаноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида инвестицияларни жалб этиш жадаллашмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳаларида 2023 йилда жами 2 267 та ҳудудий инвестиция лойиҳалари амалга оширилди. Лойиҳаларнинг умумий қиймати 20 998,6 млрд. сўмни ташкил этган. Шундан 2023 йилда ўзлаштирилиши режалаштирилган қисми 13 188,2 млрд. сўмни ташкил этиб амалда, 8 227,1 млрд. сўм маблағлар ўзлаштирилган.



1-расм. 2023 йилда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳаларида амалга ошириладиган ҳудудий инвестиция лойиҳалари, млрд. сўмда

1-жадвал.

2023 йилда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳаларида амалга оширилаётган худудий инвестиция лойиҳалари (худудлар кесимида) млрд. Сўмда

Т/р	Шахар ва туманлар номи	Лойиҳалар сони		Лойиҳанинг умумий қиймати. млн сўмда	Шундан 2023 йилда ўзлаштириш. (млн сўм)	
		Режа	Амалда		Режа	Амалда
Жами:		3 287	2 267	20 998 585	13 188 240	8 227 131
1	Қорақалпоғистон	216	115	788 135	596 596	172 517
2	Андижон	88	41	445 273	336 882	109 037
3	Бухоро	167	107	1 537 941	1 048 731	501 117
4	Жиззах	223	182	857 278	741 691	386 269
5	Қашқадарё	323	252	1 712 653	1 053 646	579 564
6	Навоий	228	162	440 735	363 213	270 517
7	Наманган	239	187	1 611 572	1 230 800	832 734
8	Самарқанд	404	290	4 946 535	1 673 256	2 071 585
9	Сирдарё	313	186	934 977	526 782	351 445
10	Сурхондарё	265	174	2 264 815	1 882 405	585 475
11	Тошкент	145	102	2 076 727	1 480 086	1 093 693
12	Тошкент ш.	21	12	292 744	114 458	77 531
13	Фарғона	350	254	1 574 103	846 720	803 789
14	Хоразм	305	203	1 515 097	1 292 974	391 859

Манба. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Мазкур маълумотлардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз агросаноат мажмуиси фаолиятини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларнинг сони бўйича Самарқанд вилояти (404 та), Фарғона вилояти (350 та), Қашқадарё вилояти (323 та), Сирдарё вилояти (313 та) ва Хоразм вилоятлари (305 та) етакчилик қилишмоқда.

Мазкур ўзлаштирилиши режалаштирилган маблағларни молиялаштириш манбалари бўйича таркибий тақсимоти

- Кредит маблағлари – 1,8 трлн. сўм;
- Ташаббускорларнинг шахсий маблағлари – 8,1 млрд. сўм;
- Ҳорижий кредит линиялари – 108,1 млн. доллар;
- Ҳорижий инвестиция маблағлари – 166,3 млн. долларни ташкил этди.

Бунда, мева сабзавотчилик йўналишида – 2,9 трлн. сўмлик 732 та (амалда ўзлаштирилиши 455 та лойиҳа - 1,8 трлн. сўм), озиқ-овқат саноати йўналишида - 5,1 трлн. сўмлик 917 та (амалда ўзлаштирилиши 529 та лойиҳа - 2,7 трлн. сўм), чорвачилик йўналишида – 3,5 трлн. сўмлик 1 201 та (амалда ўзлаштирилиши 931 та лойиҳа - 2,3 трлн. сўм) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги йўналишида – 1,7 трлн. сўмлик 437 та лойиҳа (амалда ўзлаштирилиши 352 та лойиҳа - 1,4 трлн. сўм)ни ташкил этилишига эришилди. Мазкур инвестиция лойиҳаларини ишга туширилиши натижасида жами 17 747 та янги иш ўринлари яратилди.

Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг қўшилган қиймати ҳиссаси 19,2 фоизга (266 565 млрд сўм) тўғри келди. Аҳоли жон бошига 12,6 млн сўмни, ўсиши +1,1 фоизни ташкил этди.

Ишлаб чиқаришнинг 99,2 фоизи нодавлат, 0,8 фоизи давлат мулкчилиги шаклига тўғри келиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 90,9 фоизни ташкил этди.

Ялпи ички (худудий) маҳсулотда тармоқнинг улуши Жиззах (40,5%), Сурхондарё (39,1%), Бухоро (35%), Хоразм (34,8%), Қашқадарё (32,7%), Сирдарё (32,6%), Самарқанд (32,5%), Андижон (31%), Наманган (29,8%) ва Фарғона (28,2%) вилоятларида юқориликни сақлаб қолди.

2024 йилда республикамизда 467 трлн сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 103,1 фоизни ташкил қилган (2023 йилда – 426 трлн сўм, ўсиш 104,1% бўлган).

Йўналишлар бўйича деҳқончилик маҳсулотлари 218,8 трлн сўм (ўсиш-102,2%, улуши-49,2%), чорвачилик маҳсулотлари 225,8 трлн сўмни (ўсиш-104%, улуши-50,8%) ташкил этди.

Хўжалик тоифалари бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 63,1% - деҳқон ва томорқа хўжаликлари (ўсиш-103,9%), 29,7% - фермер хўжаликлари (ўсиш-101,9%), 7,2% - қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи хўжаликлар (ўсиш-100,7%) ҳиссасига тўғри келди.

Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича дон – 8855 минг тн (104,8%), пахта (ҳисобга олинган вазнда) – 2938 минг тн (79,2%), сабзавотлар – 11995 минг тн (103,8%), картошка – 3717 минг тн (104%), полиз – 2684 минг тн (105,1%), мевалар – 3271 минг тн (104,8%), узум – 1826 минг тн (105,4%), гўшт – 2943 минг тн (103,9%), сут – 12444 минг тн (104%), тухум – 8 805,4 минг дона (103,7%), қорақўл тери – 1358,7 минг дона (103,1%), пилла – 30,1 минг тн (116,1%) ва балиқ – 191,4 минг тн (97,2%) маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Худудлар бўйича энг юқори ўсиш кўрсаткичлари Фарғонада – 104,8 фоиз, Наманганда - 104,3 фоиз, Қашқадарёда - 104,2 фоиз, Навоийда – 103,9 фоиз ва Қорақалпоғистонда - 103,5 фоизни ташкил этган.

Жиззахда – 101,2, Тошкентда – 101,4 фоиз, Сирдарёда – 101,6 фоиз, Бухорода – 102,7 фоиз ва Самарқандда – 102,7 фоиз даражада бўлиб, юқори ўсиш суръатлари таъминланмаган.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришга бир неча муҳим қадамлар орқали еришиш мумкин. Хусусан, Республикамизда аграр соҳада лойиҳалар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантириш бўйича умумлаштирилган қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

Инфратузилмаларни ривожлантиришга устувор эътибор қаратиш. Бунда йўллар, суғориш тизимлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш каби қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга сармоя киритиш ҳосилдорликни ошириш ва йўқотишларни камайтиришга ёрдам беради.

Инновацион технологияларни соҳага жорий этиш. Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалигига жараёнларни автоматлаштириш, далаларни қузатиш учун дронлардан фойдаланиш, тупроқ намлиги ва ўсимликларнинг ўсишини назорат қилиш учун датчиклардан фойдаланиш каби замонавий технологияларни ўз ичига олади ҳамда ҳосилдорлик ва ресурслар самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Соҳада банд бўлган ходимлар ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарларининг касбий малака ва билимларини ривожлантириш. Бунда ўқув дастурларини ўтказиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига маслаҳат бериш орқали уларда фермер хўжалигини бошқаришнинг замонавий усуллари жорий этиш, пировардида юқори даромадларга ёрдам беради.

Молиявий қўллаб-қувватлаш: қишлоқ хўжалиги корхоналари учун паст фоизли кредитлар ва субсидиялар каби арзон молиявий воситаларни тақдим этиш молиявий тўсиқларни камайтиришга ёрдам беради ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни рағбатлантиради.

Бозорни ривожлантириш. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг самарали бозорларини яратиш ва замонавий савдо механизмларини жорий этиш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг даромадларини оширишга ёрдам беради.

Экологик барқарорлик. Органик деҳқончилик ва энергия тежайдиган амалиёт каби қишлоқ хўжалигининг экологик барқарорлигига ҳисса қўшадиган усул ва технологияларга сармоя киритиш табиий ресурсларни тежашга ва секторнинг узоқ муддатли ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни яратишга ёрдам беради.

Юқорида қайд этилган чора-тадбирларни амалга ошириш орқали Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни сезиларли даражада ошириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Докладе Глобальной сети против продовольственного кризиса –ООН и ЕС.
2. ФАО, МФСР, ЮНИСЕФ, ВПП и ВОЗ. 2023. Краткий обзор. Положение дел в области продовольственной безопасности и питания в мире – 2023. Урбанизация, преобразование агропродовольственных систем и здоровый рацион питания в рамках всего спектра взаимоотношений между городом и деревней. Рим, ФАО..
3. FAO, IFAD, UNICEF, WFP and WHO. 2019. The State of Food Security and Nutrition in the World 2019.
4. Ў.П.Умурзоқов, А.Ж.Тошбоев, Ж.Рашидов, А.А.Тошбоев “Қишлоқ хўжалиги иқтисоди ва менежмент” 2008.
5. Абдуганиев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. -Т.: Адабиёт жамғармаси. 2007.
6. Н.Ж.Нурматов ва бошқалар. “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” Т. Тафақуур. 2011
7. Ўзбекистон Республикаси Миллий Статистика Қўмитасининг расмий веб-сайти (www.stat.uz)
8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги расмий веб-сайти (www.agro.uz)